



Ўзбек мухолифати лидери Муҳаммад СОЛИҲнинг 63 ёшига бағишланган махсус сони

ТУРК ДУНЁСИ МУНАВВАРЛАРИ МУҲАММАД СОЛИҲ ҲАҚДА



Рауф Парфи: “Муҳаммад Солиҳнинг биринчи кучли тебраниши – унинг Туркистон ғоясини англаши эди, Туркистон руҳини билиши,

унинг шеърлятидаги бутун истиоралар, шеърий санъатлар Туркистонни англаш санъати эди. М.Солиҳ 60,70-йилларда ўзбек шеърлятида мутлақо бир янги тўлқиннинг устида турди. 50 йиллар унутилиб кетган меросимиз жуда узоқ қаровсиз қолди. Абдурауф фитрат, Чўлпон, Кодирий ва бошқа жуда кўп шоирларимизнинг асосий ғояси Туркистон ғояси эди. Туркистон ғояси босқинчилар учун, мустамлакачилар учун жуда қўрқинчли бир душманлари эди. Ана шу руҳимиздан юлиб олинган ғояни ўзбек шеърлятида биринчи бўлиб Чўлпонлардан кейин, Фитратлардан кейин ўзбек шеърлятида айтган шоир М.Солиҳ бўлади”.

Ориф Ожал, (Озарбайжон Президенти А.Элчибейнинг маслаҳатчиси, тилшунос олим): Ўтган асрнинг 70-йилла-



рида М.Солиҳ ёш бўлишига қарамай, ўзбек шоирлари ичида юрт ташқарисида танилган 3-4 шахсдан биттаси эди. М.Солиҳнинг “Туркча гапир” номли шеърини Абулфайз Элчибей бизга ўртак ўларок келтириб, миллий шеър ва миллий шоир шундай бўлиши керак дерди”.



Абдулхамид Исмоил: (шоир, ёзувчи): “Муҳаммад Солиҳ, ҳали ҳам эсимда, 70-йилларнинг охирида, 80-йил-

ларнинг бошида ўз ғоясини таниб бўлган шоир эди.

Туркистон ғоясини, Ўзбекистон ғоясини, миллат ғоясини таниб бўлган шоир эди, қўрқинчли тарзда таниб бўлган шоир эди”.

Туркия Жумҳуриятининг Бош вазири Буланд Эжевит:

“Ғарбда сиёсат-чи шоир кўп учрамайди, аммо Шарқда, хусусан, турк ўлкаларида сиёсатчилар, давлат одамлари ва ҳукмдорлар ичидан жуда



кўп буюк шоирлар етишиб чиққан. М.Солиҳ ҳозирги замон Турк сиёсатчи шоирларининг устун ўрнагидир. У бир пайтнинг ўзида ҳам ўзбек туркларининг кўзга кўринган шоири, ҳамда Ўзбекистон “ЭРК” партияси лидеридир. М.Солиҳ ўз шеърларини оғир тазйик-таъқиқлар замонларида ёзди. Совет Иттифоқи тарқаб кетган ва Ўзбекистон мустақил жумҳурият деб эълон қилинган бўлишига қарамай, тазйиклар ҳали ҳам давом этаётир. Фақат уста шоирларнинг “шеър тили”гина энг оғир тазйиклар остида ҳам Эрк машъаласини баланд тута олади. М.Солиҳ ҳам ғайриинсоний тузумларнинг тазйиқи остида Эрк машъаласини ўз шеъри билан ёниқ тутиб келган шоирдир. Бир сиёсатчи сифатида М.Солиҳ ва унинг сафдошлари ҳали ҳам маълум маънода, ердан олиб, ерга урилмоқдалар. Муҳаммад Солиҳ бундай тазйикларга ўз шеъри билан шундай жавоб беради:

“Агар ҳеч ким мени ерга урмаса,
Кўкка қандай сакрай олардим?”
Солиҳ шоир сифатида аллақачон кўкка сакраб бўлган, ишонаманки, у бошчилик қилаётган “ЭРК” Партиясининг ҳам кўкка сакрайдиган кунлари яқиндир“ (“Ağaçlar şair olsa”, 1997)

Туркия Жумҳурияти Бош Вазири **Нажмиддин Эрбакон:**

“Биз биродаримиз Муҳаммад Солиҳ билан кўп халқаро анжуманларда кўришганмиз ва дунё масалаларини муҳокама этганмиз.



Миллий шуур сохиби Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши ва тараққий топишини истаган курашчи биродаримиздир.

Бу курашчи биродаримизнинг фаолияти ривож топишидан умидворманки, Муҳаммад Солиҳ воқитасида бутун Ислому олами Ўзбекистондай бир биродар ўлкани бағрига боссин.

Ўзбекистон бу – фахримиз бўлган Ислому олимларини етиштириб берган бир муаззам маданият марказидир.

Биз Ўзбекистон билан фахрланамиз.

Ўзбекистон ҳам тарихий, ҳам стратегик жиҳатдан етакчилик қилишга лойиқ бир ўлкадир. Ўзбекистон масаласи бу – бутун дунёнинг нажот масаласидир.

Бунга эришмоқ учун эса Ўзбекистонда Муҳаммад Солиҳ ва унинг каби фикрловчи инсонлар ҳокимият таъсис этмоқлари лозим.

Муҳаммад Солиҳ бугунга қадар Ўзбекистонда сиёсий жиҳатдан катта муваффақиятга эришган инсондир.

Ўзбекистоннинг ўз тарихий ўрнини эгаллаши учун энг муносиб тарзда вояга етган биродаримиздир.

Биз доим Муҳаммад Солиҳни севиб эслаймиз ва фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз”.

“Куролсиз кишининг озодлиги”
фильмидан
turkiston.tv махсулоту
(2009 йил)



Манифестни 53 нафар ёш шоирлар имзолашганди. Совет Иттифоқида бошланган “Қайта куриш” даврида эса Муҳаммад Солих Ўзбекистон “Бирлик” халқ ҳаракати асосчиларидан бўлди (1988 йил), 1990 йилда “Эрк” демократик партиясини ташкил этди. Бу партия тайёрлаган Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларацияси 1990 йил 20 июн куни Олий Кенгаш тарафидан қабул этилди.

1991 йилда Ўзбекистонда ўтказилган илк президентлик сайловларида у ўша даврдаги

У ЭЛ БИЛАН – ЭЛ ҲАМ У БИЛАН БИРГА

Муҳаммад Солих 63 ёшда. Ўзбекларда бу ёшни “Пайгамбар ёши” деб улуғлашади ва бундай ёшга ҳамма ҳам етавермас экан. 20 декабрь - Ўзбекистон Мустақиллиги учун курашган ва Мустақилликдан сўнг Ватанда иқтидорга келган репрессив режимга қарши сиёсий кураш майдонига тушган Муҳаммад Солихнинг таваллуд куни, яъни унинг 63 ёшга тўлиши санасидир.

Муҳаммад Солих – таниқли ўзбек диссиденти, шоир ва сиёсатчи. 1949 йилнинг 20 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилояти Урганч шаҳрида туғилган. 1977 йилда унинг илк шеърӣ тўплами нашр этилган ва бу тўплам янги адабиёт оламига кириб келаётган шоирга катта шуҳрат келтирганди.

Муҳаммад Солих ижодида Ватан озодлиги, инсон ҳурлигининг тарғиботи яққол кўриниб туриши билан ўз замонасининг бошқа шоирларидан ажралиб турарди. Шоир ўз эли озодлигининг куйчиси бўлиб танилди ва элни озодлик учун курашга даъват этарди. Ундаги бу иштиёқ, бу кураш йўли шоирга нафақат шуҳрат, балки юмшоқ қилиб айтганда, муаммолар ҳам келтирди.

Муҳаммад Солих ҳеч қачон Коммунистик партия аъзоси бўлган эмас. Унинг сиёсий фаолияти 1980 йилларда бошланди. Ўзининг биринчи сиёсий манифестини эса 1984 йилда ёзганди. Манифест Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг миллий адабиётга, тил ва миллий тарихимизга нисбатан қўллаб келаётган сиёсатига қарши қаратилганди.

Компартия Марказий Кўмитаси секретари бўлган Ислон Қаримовга ягона муқобил номзод сифатида иштирок этди.

Овозлар сохталаштирилди, аммо шунга қарамай ҳукумат матбуоти “М.Солих 12.7 фоиз овоз олди” деб ёзишга мажбур бўлди. 1992 йилнинг 2 июлида депутатлик мандатидан воз кечган Муҳаммад Солих таъқиб ва таъзийқлар остида қолди. Ва 1993 йилнинг апрель ойида ватани тарк этди.

Умрини озодлик йўлидаги курашга бағишлаган шоир ва сиёсатчи Муҳаммад Солих бугунги кунда “Эрк” демократик партияси раиси, шу билан бирга 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг (ЎХХ) раиси ҳамдир.

Муҳаммад Солихни биз, унинг сафдошлари ва дўстлари 63 ёшга тўлиши муносабати билан қутлаймиз ва унга тансиҳатлик, метин ирода ҳамда сиёсий мужодала майдонидаги сайъ-ҳаракатларига муваффақиятлар тилаб қоламиз!

Ишонамизки, Муҳаммад Солих ёлғиз эмас. У эл билан бирга – эл эса у билан бирга.
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

Ўзбек юрагига ўт солиб кетган, Эрку –озодлик деб кўксини тутган, Бугун ҳижратларда лахта қон ютган, Пайгамбар ёш қутлуғ, Муҳаммад Солих!

Метин иродангиз букилмасин ҳеч, Аллоҳ Сизга берсин Сабр, Чидам, Куч, Дўстлар қалби тўла Умид ва Соғинч Пайгамбар ёш қутлуғ, Муҳаммад Солих!

Ҳали замон келур – орзу ушалар, Сизни кучок очиб элу-юрт кутар, Пойингизга алвон гуллар тўшалар, Пайгамбар ёш қутлуғ, Муҳаммад Солих!

Гулчеҳра Нуруллаева
Искандар Худойберганов
Бахтиёр Исабеков
Дилором Исоқова
Санжарали Имомов

В СВЯЗИ С ДНЁМ РОЖДЕНИЯ МУҲАММАДА САЛИХА

С днем рождения, Бек, дорогой!
Горячо желаю тебе оставаться таким, каким ты и был – верным рыцарем Свободы, а значит и Справедливости, оставивающим честь, достоинство человека. Будь здоров. Обнимаю.

Бахадыр Мусаев,
социолог

Шундай сиймолар бўладики, хусусан, уларга яхши тилак билдириш, бутун бир элни дуо қилиш билан тенг бўлади... Бундай инсонларнинг ниятига етиши, миллат орзуси ижобат бўлди дегани. Шундай экан таваллуд айёмингиз ҳаммамиз учун қутлуғ бўлсин. Салом билан,

Санжарали Имомов,
драматург

Азиз дўстим, сарваримиз Муҳаммад Солих!
Пайгамбар ёшингиз муборак бўлсин! Дилингиздаги ўша жўшқин ишонч, умид, ғайрат заррача ҳам сўнмаслигини истаيمان!
Азиз биродар!
Даҳолар ёлғиз бўлади дейишади, аммо Сиз ёлғиз эмассиз! Биз сафдошларингиз ҳаммиша Сиз билан!
Меҳрибон ва қудратли Оллоҳ Сизга доим ёр бўлсин!

Сизга руҳий навқиронлик истаб,
Мирзо Равшан,
Самарқанд

Ушбу маколамизни узок совет замонларидаёқ ўз шеърларида тоталитар тузумни аёвсиз танкид ва масхара қилган, ўзбек халқнинг озодлиги учун тинмасдан курашаётган инсонга бағишлашга қарор қилдик. Совет Иттифоқи қулагандан кейин у Ислом Каримовнинг диктатурасига, ўзбек халқини 20 йилдан бери эзиб келаётган режимга қарши курашиб келяпти. Бугун, 2012 йил 20 декабрь куни, бу инсон 63 ёшга тўлди. Шундай қилиб...

КУРАШ УЧУН ТУГИЛГАН ИНСОН

Муҳаммад Солиҳнинг ўтмишига назар ташланса, у ўрнашиб қолган, ҳамма кўниккан, аммо адолатсиз тартибга қарши курашиш учун яратилгандек туюлади. Собиқ СССР патийда унинг аксарият ҳамкасблари – шоир ва ёзувчилар – ё йил фасллари, ё севги тўғрисида ёзишни маъқул кўришган.

МАЗЛУМ ХАЛҚ ЕТАКЧИСИ

Аммо М.Солиҳ совет тузумининг адолатсизлиги ҳақида бонг уриб, Қизил империянинг муттахамлигини масхара қиларди.

М.Солиҳ ўз шеърларида Совет ҳукуматига қарата: “Дохийингизнинг ол (қизил) соқолига тупураман”, “Сиз чўлок ва каллакесар деб айтаётган зот жанг майдонида, кўлида байроқ билан ҳалок бўлган. Сизлар каби зиёфатда ейилган балиқнинг қилтаноғидан ўлмаган”, “Ватанининг байроғи қонли мато эмас, онам бошидаги рўмо” қабилдаги гапларни кўркмасдан айтган инсон.

Мустақиллик йилларида эса у коммунист И.Каримовнинг сиёсатига қарши кураша бошлади. Собиқ Иттифоқ парчаланмасдан сал олдин И.Каримов умумиттифоқ референдумида Ўзбекистон аҳолисини СССР сақлиб қолиши учун овоз беришга чақирганда, Муҳаммад Солиҳ ўзбекистонликларни республика мустақиллиги учун овоз беришга чақирди. СССР парчаланиб кетгандан кейин иккиюзламачи И.Каримов ўзини Ўзбекистон мустақиллиги учун курашган ягона одам қилиб кўрсатди ва кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда М.Солиҳ “демократия ва ислом бир-бирига зид тушунча ҳамда тизимлардир” деган нотўғри фикрларга қарши курашмоқда. Ва ҳар галгидек у танқидлар бўронига учрамоқда. Лекин М.Солиҳ бу ҳолатдан тушкун бўлаётгани йўқ, чунки у қолипларни бузадиган ва ўзгача фикрлайдиган кам сонли одамларни қолиплаган омма тушунмаслигини ва тушунишни хоҳламаслигини яхши билади.

Бундан ташқари, Муҳаммад Солиҳ сиёсат соҳасидаги баъзи стереотипларни ҳам секин-аста бузишга эришмоқда. Маълумки, “фойда келтирадиган ҳар иш маънавийдир” деган тамойилга асосланиб иш юритадиган кўплаб замонавий сиёсатчилар туфайли “сиёсат” ва “сиёсатчи” сўзлари “фоҳишалик” ва “фоҳиша”

тушунчалари билан қиёсланадиган бўлиб кетган.

М.Солиҳ сиёсат саҳнасида намоиш қилаётган ҳалоллиги билан сиёсат билан ҳалол одамлар ҳам шуғулланиши мумкинлигини, сиёсат олдов ва фисқу-фасодларсиз амалга оширилиши мумкин бўлган эзгу ишлигини кўрсатиб келмоқда. Шундай қилиб...

ГИРРОМЛАР ОРАСИДАГИ ҲАЛОЛ СИЁСАТЧИ

Муҳаммад Солиҳ мустақил Ўзбекистоннинг илк парламентига депутат бўлган кезларида Тошкент клани вакиллари муҳолифатчига Ислом Каримовни самолет-памолёти билан портлатиб юбориб, сиёсий ҳокимиятни қўлга олишни таклиф қилишган.

Аммо ўзининг ҳалоллик тамойилларига содиқ қолган Муҳаммад Солиҳ тошкентликларнинг бу таклифни рад этади ва ўз рақиби билан ҳалол кура-

шишни маъқул топади. Буни кўпчилик билмаса керак, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, 2006 йилда дунёнинг йирик холидинглари вакили Муҳаммад Солиҳга “антика” таклиф билан чиқиб, Каримов диктатурасига қарши курашда ёрдам беришга тайёрлигини билдиришади. Йирик сиёсий ва молиявий ёрдам эвазига улар Муҳаммад Солиҳдан битта нарса талаб қилишади: “Ўзбекистондаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олгач, республиканинг углеводород ва бошқа бойликларини холидингларга қарашли компанияларга арзон нархларда сотиш”ни сўрашади.

Аммо М.Солиҳ: “Ўзбекистондаги газ, олтин ва уран ўзбек халқиникидир, менинг шахсий мулким эмас”, – деб, бу таклифни рад этади.

Шунга аминмизки, Муҳаммад Солиҳнинг ўрнида Ислом Каримовга ўхшаган бошқа фирибгар сиёсатчилар бўлганида бу таклифга дарров рози бўларди. Аммо Солиҳ ўз ҳаётини тамойилларига содиқ қолган. Шунинг учун ҳам М.Солиҳнинг нафақат дўстлари ва тарафдорлари, балки ашаддий душманлари ҳам ҳурмат қилишади. М.Солиҳнинг ушбу хислати унинг атрофида одам тўпловчи асосий омилдир. Шундай қилиб...

МАРКАЗДАН ҚОЧУВЧИ КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ МАРКАЗ

Муҳаммад Солиҳ ўзининг атрофида одамларни бирлаштириш қобилиятига эга ноёб сиёсатчидир. Буни Каримов ҳукумати ҳам яхши билади. Шунинг учун ҳам Каримов ҳукумати аксарият муҳолиф гуруҳлар Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига (ЎХХҲга) асосан ушбу коалицияга М.Солиҳ раҳбарлик қилаётгани учун бирлашишди, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон президенти ҳузуридаги Ҳавфсизлик кенгаши томонидан 2012 йил март ойида ўтказилган мажлис-

да И.Каримов Тошкентдаги ва жойлардаги мутасаддилар аҳоли билан ишламасликларидан, одамларни эргаштириб, ўз атрофига бирлаштира олмаслигидан норози бўлиб: “Сизларнинг ҳамманингиз – бош вазир, вазирлар, ҳокимлар – барча-барчангиз биргалашиб битта М.Солиҳга арзимайсизлар. М.Солиҳ ўз атрофида одамларни бирлаштиришига бир қаранг! Эркак сўзим: агар орангизда Муҳаммад Солиҳга ўхшаган битта одам бўлса эди, ўз жойимни аллақачон шундай одамга топшириб, кетган бўлардим”, – деди.

Бу нафақат И.Каримовнинг жамоасида президентлик лавозимига лойиқ амалдорлар йўқлиги ҳақидаги иқдор, балки диктатор ич-ичидан Муҳаммад Солиҳни ўзининг асосий рақиби сифатида ҳисоблашига ва унинг лидерлик қобилиятларига тан беришига далил эди.

Ўзбекистон кучишлатар тизимлари, ҳукумати ва президент девони вакиллари билан ташкил топган бизнинг гуруҳ ҳам М.Солиҳни Каримов диктатурасига қарши кураш йўлида мазлум ўзбек халқини бирлаштира оладиган, ҳозирги аксилхалқ режимни ағдариб, мамлакатни чинакамига демократлаштира оладиган ягона шахс деб ҳисоблайди.

Очигини айтганда, бундан 17-18 йил муқаддам биз мамлакат кучишлатар тизимларининг нормал ишлаши учун демократия ва демократик президент зарурлигини тушунмас эдик. Каримов режининг адолатсизлигидан мххчилар ва милиционерлар ҳам, ҳарбийлар ва чегарачилар ҳам, ҳукумат амалдорлари ва ҳокимлар ҳам ҳимояланмаганлигини, уларга ҳам демократик тизим ва адолатли президент зарурлигини биз кейинчалик англаб етдик.

Бизнингча, ЎХХ муассислари ва аъзолари М.Солиҳни коалиция раҳбарлигига сайлаб, тўғри қилишган. Биз, кучишлатар тизимлари вакиллари ҳам Каримов диктатурасига қарши умумхалқ курашининг лидери ўрнида Муҳаммад Солиҳдан бошқа одамни кўрмаймиз. Шундай қилиб...

СЎНГСЎЗ

Гуруҳимиз М.Солиҳ бошқараётган ЎХХ фаолиятига бундан кейин ҳам ёрдам беради. ЎХХ ва Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистондаги сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиши билан республика тарихида янги давр, узок кутилган демократия ва адолат даври бошланади, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги санадан фойдаланиб, ЎХХ лидери М.Солиҳни қутлуғ 63 ёши билан чин дилдан табриклаймиз, унга мустаҳкам соғлиқ, ҳаётини фаровонлик ва сиёсий фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз! М.Солиҳни Каримов диктатурасини енган ғолиб сифатида тезроқ Ўзбекистонга қайтишини интизорлик билан кутиб қоламиз!

Усмон Ҳақназаров

Харакатимиздаги биродарларим имо ишора қилишди: Раис ҳақида сиз сўз айтинг, дейиша олмади улар ошкора. Сиз дейишди, улар орамизда у кишини энг яхши танийсиз...

Бу имо ишоранинг турли сабаблари бор. Биринчидан, кўпчилигимиз туғилган кун, уни нишонлаш ёки бу муносабат билан бирон иш қилиш фикридан узоклашиб кетганмиз. Ҳолбуки бундан йигирма сана аввал туғилган кунимизни, бу куннинг ҳақиқий қаҳрамонлари ота-онамиз эканлигини унутган ҳолда, нишонлар эдик.

ШЕЪРИНИ ЯШАЁТГАН ШОИР...

Кейин улар ўзаро муносабатларнинг “шахсийлигига” ишорат қилишди чамамда. Яъни, бировнинг бошқа бировга яқин бўлиши аввало хусусий иш, дея ўйлашган бўлишса керак. Шунинг учун ҳам улар бу ишни сиз қилишингиз керак, дея оёқ тираб туришмади. Чунки хусусий муносабат хусусий кадрият, яъни ҳар ерда байроқ сифатида кўрсатилавермайдиган кадриятдир...

Ҳақиқатан ҳам мен шоир ва сиёсатчи Муҳаммад Солих ака билан мана 23 йилдирки бир йўлда юриб келмоқдаман. Тақдирнинг чизгиси экан бу йўл: Муҳолифат, дея аталадиган ва анчайин тор, шунинг учун ҳам аъзолари елкама елка туришга мажбур, айна пайтда йўлчилар биров бировларининг нафақат қадамини, ҳатто олаётган нафасини ҳам сезиб турадиган йўлдир бу муҳолифат йўли...

Муҳолифат ҳукуматга қарши турган куч сифатида талкин қилинади доимо. Аммо Муҳаммад Солихнинг ҳаёт йўлини муҳолифат йўли, дейиш ҳам бир замонлар унга айтилган “Шеърингизни тушунтириб беринг?”, каби нидони ўртага чиқариши шубҳасиздир. Чунки адолат истаган одам ёки адолатни яшаётган одам аслида муҳолиф эмас, иқтидор соҳибидир. Чунки аслида зулм адолатга муҳолифдир, шунинг учун ҳам адолат тамсилчиси шоирга муҳолиф дейиш унинг мақомини, бир замонлар шеърини тушуниш қийин бўлгандек, осон тушуниб бўлмайдиган бир мақомга ўхшатиб қўяди...

Муҳаммад Солих шеърларини яшаётган шоирдир. Агар у шоир бўлмаганда сиёсатчи ҳам бўлмас эди назаримда. Чунки у ҳар ёзган сатрини кадрлайдиган, ҳар сатрини ғишт қилиб, ундан адолат саройини қуришни “лойихалаштирган” шоирдир. Шунинг учун ҳам унинг сиёсат йўли ўзига хос, кимларнинг назарида унга кулфат келтирган, аслида эса унинг учун танлови бўлмаган бир йўлдир. Яъни, унинг шеър ва сиёсат йўлида муқобиллик бўлмади. Ёзганини емади у, сотмади ҳам, аксинча у унга ёшлик йилларида айтил-

ган худбинлик даражасида шеърларига ёпишиб олди. Ёзган ҳар мисрасини эмас, ҳар ҳарфини, ҳар нуқтасини, ҳар ишоратини яшаш учун улкан шахсга айланди шоир...

Бу Ватан -меники,

десангиз бирор

Одам туриб демас сизга:

«Бу -ёлгон!»

Чунки ҳақиқатни

айтасиз такрор,

Айтиб, мен сингари

йигламайсиз қон...

(“Сизга ярашар” шеърдан)

Мен биламан унинг кимлигин -

Яккамохов, бадавлат, нотинч-

Мен биламан, унинг жимлиги

Чидаб бўлмас соғинчдир, соғинч.

Ахир, нима ҳаққи бор унинг?

Бу сизники, сизнинг ерингиз -

Боринг, уни ҳибсга олинг!..

Ё Ватанин топиб берингиз...

(“Денгиз бўйида” шеърдан)

Мен Муҳаммад Солихни танниган 1990 йил у бу сатрларини тамсил қилаётган, яъни хужайраларига сингиб кетган бу сатрларини ўзбек деган бир миллат билан баҳам кўраётган бир вақт эди. У кунлар ҳақиқатан ҳам Ватан кунлари эди. Ватан мустақиллиги учун юракларимиз урарди. Биз ватанни топиш арафасида турардик ўша кунлар бунини ўзига шиор қилган бир шоир атрофида... Ва бизни на маҳаллий режим на да ГКЧП кўркита оларди. Олдинда шеърини яшаётган

бир шоир бор эди. Унинг шеърлари аввало ўзи учун қалқон эди. Бу қалқон ватан деганлар учун байроқ ҳам эди ўша замонлар...

Юз минглаб нусхада Эрк газетаси чиқарди бу шиорни ва уни ижод қилган шоирни элга танитиш учун

Кейин ватан тушунчаси бир онда ўзгарди шоир назарида: Аёлнинг ватани эридир деди у қутилмаганда... Бу бурилиш эмасди, ишни янада жиддийлаштириш, уни бир поғона тараққий қилдириш эди бу. Бу айна пайтда банда Солихдан, Солих банда тарафга отилган қадам ҳам эди. Зотан, шоир ватанни адолат юзасидан истаганиди, чунки унинг ватани адолат Пайғамбари (сав) даъватининг акс садоси ўрнашган макон эди аҳли имон наздида. Шоир илҳомга асосланиб отаётгани қадамларини, илҳом эса ҳидоятнинг ишорати эди шубҳасиз...

Шу тариқа Ҳақ йўл саҳнасида ботил ва унинг тарафдорлари билан курашиб, йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтиб кетди. Энди тошлар ўз ўрнига жойлашди. Энди тушунтириб бериш учун ўртада ҳеч бир вако қолмади. Чунки ҳақиқат инсон болалари пайдо бўлгандан бери ўзгармаган шакли билан бугун ўртададир.

Ўзбекнинг шоири Муҳаммад Солихга икки “зот” муҳолиф бўлиб қолди. Вақтинча эмас, доимий, нисбатан эмас, мутлақ муҳолиф бўлди улар шоирга. Улардан бири адолатни ерга уришга уринаётган машхур Золим ва иккинчиси эса сўз кадрини обрўсизлаштиришга уринаётган бир Вайсаки... Бу икки “зот” Муҳаммад Солих номини эшитиш билан ҳушларидан кетиш даражасида чўчиб кетдилар. Чунки улар шоир тамсил қилаётган Ҳақ йўл ва адолатдан жиноятчилар ўз қилмишлари учун бериладиган жазодан кўрққанлари каби кўрқадилар. Ашё зидди билан маълумдир, дейдилар. Инсон ҳам худди шундай мавжудотдир.

Инсон ҳам ҳам ўз муҳолифлари билан маълум ва машхурдир. Сизга салом бўлсин, эй адолат ва ҳақ сўз тамсилчиси. Йўлингиз ойдинлигича қолсин Аллоҳ таоло гуноҳларингизни ва гуноҳларимизни мағфират қилсин...

Намоз Нормўмин

Инсоният тарихида шундай шахслар ўтганки, уларнинг ҳаёти ва фаолиятлари мураккаб ижтимоий – сиёсий воқеа ва ҳодисалар жараёни билан боғлиқ бўлган. Чунки одамзоднинг энг асл фарзандлари минг йиллардан буён адолатли жамият ва фаровон ҳаёт учун кураш олиб бордилар.

У ЙИҚИЛДИ, БУКИЛДИ, АММО СИНМАДИ

Бу инсоният тарихида тинимсиз содир бўлиб келмоқда. XX асрнинг 80 йиллари ўртасидан 90 йил бошига қадар ўзбек халқи ҳаётида ижтимоий ва маънавий уйғонишлар содир бўлди.

Маънавий уйғониш асосан мамлакат аҳолисининг ўша даврда ўзини мусулмон, деб атаган 70% қатлами орасида юз берди. Улар орасидан ўша давр учун етук ҳисобланган диний уламолар, уларнинг шогирдлари булут орасидан ярақлаб кўринган юлдузлар каби намоён бўлдилар.

Уларнинг аксарияти бугун орамизда ЙЎҚ. Кўплари қаттол тузумга чап бераолмай, исканжада қолган бўлсалар, кўплари Аллоҳ ризолигини топиш мақсадида, Каримов тузумигагина эмас, уни тарбиялаган КУФРГА қарши курашиб, ШАҲИДЛИК мақомига эришдилар. Барчаларини Аллоҳ тупроқларини енгил қилиб, жаннатлардан макон берган бўлсин!

Улар қаторида халқимизнинг замонавий илғор қисми орасида дунёвий мафкура тарафдорлари ҳам бўй чўзабошлади. Улар орасида ҳам ёруғ юлдузлар омма оғзига туша бошлади.

Шундайлардан бири публицист ёзувчи, шоир, кейинчалик имон йўлини танлаган, ҳозирда пишиб етилган сиёсатчи ва омма орасида ҳозиргача ўз мавқини йўқотмаган “ЭРК” фирқасининг йўлбошчиси, ҳамда янги ташкил етилган бирлашган “ЎЗБЕКИСТОН ХАҚ ҲАРАКАТИ” ташкилотининг расиси МУҲАММАД СОЛИҲ номи, нафақат хорихдаги ўзбеклар, қолаверса, барча халқлар, ҳамда мамлакат ичида ҳам яхши таниш, қатта мавқега эга халқ йўлбошчиси сифатида тан олинаётган шахсдир.

Муҳаммад Солиҳнинг босиб ўтган ижодий, сиёсий ҳаёт йўлига назар ташласак, у жуда қатта тўфонлар орасида ўтди. Муҳаммад

Солиҳ салкам 25 йиллик бу босиб ўтган йўлида, кўп қаршиликлар, тазийқлар, кинояю танқидлар остида яшади.

Шунингдек, Солиҳ томонидан барча инсонлар каби адашишлар ҳам кўп бўлди (фақат Аллоҳ адашмайди). БИТТА ҲАҚИҚАТ: СОЛИҲ йиқилди, букилди, АММО

СИНМАДИ.

Алал оқибат қаддини тик тутганича, инсонлар кўзига ёруғ юз блан боқиб келмоқда.

ИСЛОМ ривожада давом этмоқда, ўз сафига СОЛИҲ каби халқнинг илғор кучларини жалб этмоқда. (Бундан, Солиҳ авваллари мусулмон эмас экан, деган нотўғри фикр туғилмаслигини сўрайман, чунки у ҳам ҳаммамиз каби, мусулмончиликни тан олса-да, ИСЛОМ-ДАН узоқ бўлган эди.

Аллоҳга беадад ҳамдлар бўлсинки, барчамизни ўзи ҳидоятига бурди ва сўрайманки, бу ҳидоятдан ҳеч кимни маҳрум қилмасин, Амин).

Оламларга нур, мўминларга шафоатчи қилиб юборилган Аллоҳнинг охирги пайғамбари жанобимиз Муҳаммад саллалаҳи алайҳи вассалламга 63 йил умрни ато этилган экан. Шунинг учун бўлса керак, юртимиздаги ҳар бир мусулмон 63 ёшга етгач, уни қутлуғ сана сифатида нишонлаши урф бўлган.

Мана, 20 декабр ҳам яқинлашди. Бундан 63 йил аввал Хоразм воҳасида, оддий ўзбек оиласида жажжигина ўғилча дунёга келиб, ота – онаси, барча уруғдошларини хушнуд қилган экан.

Бу бола вояга етиб, инсонларга ҳақиқатни тушунтириш учун етакчи бўлишини ўша пайтда бирорта оила аъзолари хаёл ҳам қилмаган бўлсалар-да, халқимиздаги самимий “юртига, халқига фидокор бўлиб етишсин” деган дуодан ўз насибасини олган бўлса керакдурки, мана шу дамгача кўпчиликка бош бўлиб келмоқда.

Биз ва Солиҳ ёшидагилар XX аср авлодларимиз.

XX аср Дунё саҳнасида, айниқса мусулмон оламида суронли талотўполонлар асри бўлди. XX асрнинг 70 – 80 йилларида мусулмон оламида энг ҳайратланарли воқеа

Эронда ҳазрат Оятуллоҳ Хумайни раҳбарлигидаги Исломи инқилоби бўлди.

XX асрнинг 60 йилларида анчагина кексайиб қолган алломага баъзи моддапарастлар масхараомуз: “жаноб, шу ёшда қандай қилиб инқилобий натижани қўлга киритмоқчисиз” деган савол билан мурожаат қилганларида, у ҳазрат “ биз бешикдаги авлодларимизни тарбияламоқдамиз ва улар билан инқилоб чорсупасига чиқамиз, иншааллоҳ”, деган эканлар. Ҳазратнинг бу сўзлари, баъзи Эрон амалдорларини ташвишга солиб, ҳазратни ватандан бадарға қилинишига эришдилар.

Натижада 14 йиллик сарсон саргардонликдан иборат муҳожиротда яшаб, мамлакат ичида бешикдаги гўдақларни (Маҳмуд Аҳмади Нажот каби) ҳам Инқилобга тайёрлашга муваффақ бўлди. Бу барча мусулмонлар учун ибрат намунаси бўлмоғи даркор. Умидли дунё.

Солиҳни бу буюк сана билан қутлаб, унга энг аввало, юксак ва чин иймон, мукамал соғлиқ, букилмас ирода, узоқ умр ва Хумайний ҳазратларининг шижоати ва ютуқларини Аллоҳдан сўраб қоламан.

Тошкентдан
Солиҳнинг танқидчи опаси
Мўътабар Аҳмедова

ПАЙҒАМБАР ЁШИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН

Эй, халқимнинг мағрур,
жасур фарзанди,

Пайғамбар ёшингиз
муборак бўлсин.

Бутун элимизни орзу – тилаги,
Меҳримиздан доим
қалбингиз тўлсин.

Мустаҳкам соғликни, узоқ умрни,
Аллоҳдан биз Сизга

тилаймиз бугун.
Яратганнинг ўзи бўлсин мададкор,
Ечилар душманлар боғлаган тугун.
Халқимиз душмани –

иблис фарзанди,
Унинг қучоғида сақлар бугун жон.
Хийлагар бўлса ҳам,

улар ожизлар
Ҳимоя қилса гар Қудратли Раҳмон.
Аллоҳнинг ўзига топширдик Сизни,
Дуолар, тилаклар

Сизга бўлсин ёр.
Иншааллоҳ голиб бўлиб қайтарсиз,
Она юрт,

халқимиз кутар интизор.

Муҳаммад Нуруллоҳ

Ассалому алайкум, Муҳаммад Солиҳ ака!

Сизни табаррук Пайғамбар ёшингиз билан табриклашга изн берсангиз. Мазкур кутлуғ санани Ватандан йироқларда нишонлашингизга тўғри келаётган бўлса-да, ўзбекларимизнинг озод келажаги, Ўзбекистонимизнинг обод истиқболи учун курашлар йўлида ўзингизнинг олдингизга қўйган олижаноб мақсадларингиз тезроқ рўёбга чиқишига астойдил тилакдошман. Мазлум халқимиз ҳамда хориждаги миллион – миллион ватандошларимиз ҳам худди шу эзгу эврилишни интиқлик билан кутмоқдалар.

шуниб етадилар, ахир?!

Кимлардир хоҳлайдиларми ёинки йўқми – Ўзбекистон Халқ Ҳаракати хориждаги ўзбек муҳолифатининг етакчи ва раҳнамо кучидир, Халқаро инсонпарвар ташкилотлар ҳамда демократик давлатлар УХХни аллақачон шундай юсак мақомга эга уюшма тариқасида қабул қилаётирлар ва у билан ҳисоблашаётирлар. Мамлакатимизнинг ичкарасидаям миллионлаб қашшоқ ҳамда йўқсил ватандошларимиз Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг истиқболий ғалабасига умид ва илнж кўзларини тикиб турибдилар.

Бу ёқда иблисларнинг-да устози –

ЎХХ РАИСИ МУҲАММАД СОЛИҲГА

Фурсатдан фойдаланиб, баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчи эдим. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ташкил топганидан буён унинг атрофида кўплаб асосли – асосиз гаплар ўрмалаб юрибди. Хориждаги миллат ва муҳолифат раҳнамолигига даъвогар анча – мунча ўзбекларимиз эса, мазкур Халқаро ташкилотнинг теваригига бирлашиш – жипслашиш ўрнига, уни муҳокама этиш билан оворалар.

Улар қандай иддаоларни олға суришларидан қатъий назар, ўзбек муҳолифатини бирлаштириш ташаббусини кўтариб чиққанингиз ҳамда айни ҳаётий ғояни изчил амалга ошираётганингизнинг ўзи ҳар қанча таҳсинларга лойиқдир. Бундай кутлуғ ниятга нисбатан тўсиқ қўяётганларга эса, халқимизнинг: “Ит ҳуради – карвон ўтади” деган оқилона нақлини эслатиб қўйиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Миллатдош муҳолифатчиларимиз ҳамда ижодкорларимиз томонидан чет элларда очилган интернет нашрларни кузата туриб, улардан аксариятининг эл ғами-ю юрт дарди қайсидир пучмоқларда қолиб кетиб, шахсий муносабатларини ойдинлаштиришга тиришиб ётганликлари, бўлар – бўлмас бир-бирларига қора чаплашга уринишлари, ўзаро бўғизларини ғажийиб турганликларига, гўеки, кимларнидир фош қилиш ниқоби остида бир-бирларини ҳақоратлашлари, таҳқирлашлари, ҳатто, сўқишишгача бориб етганликларига қўйишнинг – қўйишнинг билмай қоласан. Наҳотки, ўзларини энг ками – миллатнинг жонкуярлари ҳисобловчи инсонлар шунчалик майдақашликка, тубанликка, маҳаллийчиликка бормоқдалар? Бу кетишда эрта бир кун – дорилломон замонлар келганида, улар халқимизнинг, қолаверса, бир-бирларининг юзларига қандай қарай оладилар?

Кавлаштираверса – ҳаммадан ҳам қандайдир нуқсонлар топилишини, ягона беайб зот – фақатгина Парвардигорнинг Узи эканлигини, эндиликда – ўтмишни кўзга эмас, ўзбекларимизнинг ҳамда Ўзбекистонимизнинг ҳозирги ва келажаги манфаатларини кўзлаган ҳолда иш тутиш даркорлигини улар қачон ту-

Ислом Карим (ИК) бошлиқ қашқирий галани ҳам таҳликага ва кўрқинча солиб турган якка-ю ягона кудрат – Ўзбекистон Халқ Ҳаракатидир. Шунинг учун ҳам, ИК ва унинг жосуслари-ю малайлари мазкур ташкилот сафларига зарба уришга, унинг орасига низо солишга жон – жаҳдлари билан уришиб келмоқдалар ва, таассуфларки, баъзан бунга эришмоқдалар ҳам. Хориждаги кўпгина ўзбек ижодкорларимиз ҳамда зиёлиларимизнинг олағизликлари ҳамда торфаҳмликлари ИКнинг тўдаси учун ниҳоятда қўл келаётир ва улар мазкур нифоқ гулханини каттакон ёнғинга айлантириш учун ҳеч нарсани аямаётирлар ва аямайдилар ҳам.

Кўзимизни каттароқ очайлик, биродарлар! Ҳозир шахсий хусуматлар, хусусий ҳисоб – китоблар, ўзаро гина – кудуратларни муҳокама этишнинг вақти ё фурсати эмас. Бой берилган ҳар бир кун йиртқич ИК бошлиқ ваҳшийларнинг умрини, истибдод ҳукмронлигини ҳафтаб – ойлаб чўзмоқда, муҳолифат ўртасидаги ҳар қандай зиддият ёвузлар ва золимларнинг тегирмонларига сув қуймоқда. Халқимизнинг оддий эсада ўта теран “Бирлашган – ўзаро, бирлашмаган – тўзар!”, “Овул ити ола бўлади-ю бўри келса – бирга бўлади” мақолларидан бизлар қачон тегишли сабоқ чиқарамиз?!

Мен бу даъватларим билан кимларгадир “ота насиҳат” қилиш фикридан йироқман, албатта. Фақатгина, элим ғамидан – юртим дардидан куйган оддий бир ижодкор сифатидаги мулоҳазаларимни айтаяпман, холос. Уйлайман-ки, ўзимнинг айни хитобларим билан мамлакатимиз ичкарасидаги ҳамда ташқарисидаги кўплаб ватандошларимиз ва миллатдошларимизнинг фикрларини-да ифодалаяпман.

Хўрматли Муҳаммад Солиҳ ака! Сизга бундан кейинги таваллуд саналарингизни она – Ватанда нишонлаш насиб этсин!

Эҳтиром ила:
Туркўғлон,
Тошкент

“БИЗНИ ГАЗЕТ УРАР, СИЗЛАРНИ – ХУДО...”



1988 йил 15 декабр куни Ўзбекистон КП Марказқўмининг нашрлари бўлмиш “Совет Ўзбекистони”, “Правда Востока” ва “Ташкентская правда” каби газеталар Муҳаммад Солиҳ ҳақида “Ҳақгўй Муҳаммаднинг икки хил сўзи” номли мақола билан “уриб” чикди. Бундан беш кун ўтиб, 20 декабрь куни (М.Солиҳнинг туғилган куни) эса 350-400 кишидан таркиб топган талабалар оломони ЎзТАГ биноси олдида чиқиб, ҳукуматнинг бу тазйиқига қарши норозилик билдиришди*).

Мақола ҳақидаги ҳавотирли хабар олис Хоразмда яшаётган шоирнинг онасига ҳам етиб борди.

Бу хабарнинг қай тарзда етиб борганини билмаймиз.

Одатда турғун, она ўша куни учоқда Тошкентга етиб келди.

Ёзувчилар яшайдиган Пушкина-Салор кўчасидаги уй олдида “боламга нима бўлди” дея йиғлаб турган она аҳволини кўрган шоир Мирзо Кенжабек “Шоирнинг онаси” деган шеърни ёзиб эълон қилдириди.

Шеър аниқ ёдимда йўқ. Баъзи мисраларни эслайман.

Масалан, “Бизни газет урар, сизларни худо деган мисра бор эди.

Ёки, “Шоирнинг айбими ҳақни уққани, онанинг айбими шоир тукқани” деган мисралар ҳам ёдимда.

Шеър, “Шоир онасини кўрган замонда, шоирнинг онаси нима кўради? Деган мисралар билан тугаллангани ҳам ёдимда.

Муҳаммад Солиҳ чет элда пайтида она оламдан ўтди.

Биз бориб жанозасида қатнашдик.

Қора кузгун каби атрофни ўраган СЊБчилар қўлига видеокамера тутиб жанозага келганларни суратга олишди...

Шуҳрат Бобоҷонов